



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 16 - Iyul

62a -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Мархум Маткаримов Аҳмаднинг  
турар жой биносига бўлган эгалик  
хукуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Маткаримов Неъмат Аҳмедовичнинг мархум отаси Маткаримов Аҳмаднинг “Олтинқум” шаҳарчасида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик хукуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 20 ноябрдаги ХО-Х-3255-сонли аризасини, “Олтинқум” шаҳарчаси фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2020 йил 20 ноябрдаги 4014-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчасида жойлашган 13 (ўн уч)та хонадан иборат, яшаш хоналари 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 147,0 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 244,61 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 391,61 квадрат метр, қурилиш ости майдони 543,12 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Маткаримов Аҳмадга мулк хукуқи асосида унга эгалик хукуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Маткаримов Аҳмаднинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Маткаримов Аҳмаднинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**